

## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА БУХОРО ВИЛОЯТ СУДИ АПЕЛЛЯЦИЯ СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ

### А Ж Р И М И

2019 йил сентябрь ойининг 11 куни, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция инстанцияси, суд биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи: А.Шайдоев, судлов ҳайъати аъзолари, судьялар: Ф.Турсунов билан З.Қурбоновдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Авезовнинг котиблигида, тарафлардан Бухоро вилоят прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ҳимоячиси адвокат [REDACTED] адвокат [REDACTED] иштирокида, судланувчи Р.Каримов ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] ҳамда жабрланувчи [REDACTED] томонидан келтирилган апелляция тартибидаги шикоятлар асосида жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2019 йил 7 августдаги ҳукмига кўра:

1968 йил 1 ноябрда Вобкент туманида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Вобкент тумани, “Ниёзхўжа” МФЙ, Кўкдала қишлоғида яшовчи, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини ўз вақтида олган [REDACTED]

Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддасининг 1-қисми билан 1 йил, ЖК 109-моддасининг 1-қисми билан 1 йил, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;

1993 йил 11 февралда Вобкент туманида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзандлари бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2017 йил 9 мартдаги ажримига кўра, унга нисбатан ЖК 277-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан ярашув асосида тугатилган, вақтинча ишсиз, Вобкент тумани, “Ниёзхўжа” МФЙ, Кўкдала қишлоғида яшовчи, “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини ўз вақтида олган [REDACTED]



Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан 3 йил озодликни чеклаш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи [REDACTED] қасддан жиноят содир қилиш йўлига ўтиб, ҳақорат қилиш ва соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноятларини содир қилган.

Чунончи, у 2018 йил 12 май куни фуқаро [REDACTED] [REDACTED] ҳақорат қилганлиги сабабли 2018 йилнинг 6 июнь куни Вобкент туман маъмурий суди томонидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси билан 172.240 сўм жарима жазоси тайинланганлигидан ўзига тегишли ижобий хулоса чиқармасдан, 2019 йил 15 март куни соат 20:00да, Вобкент тумани, “Ниёзхўжа” МФЙ, “Кўкдала” қишлоғи ҳудудидадан ўтувчи ички йўлда фуқаро [REDACTED] билан ўрталарида бўлган келишмовчилик сабабли жанжаллашиб қолиб, жанжал вақтида [REDACTED] ножўя сўзлар билан ҳақоратлаб, ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш жиноятни содир қилган.

Шунингдек, у 2019 йил 15 март куни соат тахминан 21:30 ларда, Вобкент туман марказий шифохонасининг шикастбандлик бўлими биноси олдида Вобкент туман “Ниёзхўжа” МФЙ Кўкдала қишлоғида яшовчи Ж.Расулов билан олдиндан келишмовчилиги натижасида жанжаллашиб, жанжал вақтида уни бош қисмига бир неча маротаба уриб, Вобкент туман суд тиббий экспертизасининг 2019 йил 26 мартдаги 15-Т-сонли тиббий хулосасига кўра, соғлиқнинг умумий тикланиши учун 6 кундан ортиқ, аммо 21 кундан кам бўлмаган муддат талаб қилинадиган, соғлиғининг бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳати етказиш жиноятни содир қилган.

Судланувчи [REDACTED] қасддан жиноят содир қилиш йўлига ўтиб, соғлиқнинг умумий тикланиши учун 21 кундан ортиқ, аммо 4 ойдан кўп бўлмаган муддат талаб қилинадиган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш жиноятини содир қилган.

Чунончи, у 2019 йил 15 март куни соат тахминан 21:30 ларда, Вобкент тумани Марказий шифохонасининг шикастбандлик бўлими биноси олдида Вобкент тумани, “Ниёзхўжа” МФЙ, Кўкдала қишлоғида яшовчи [REDACTED] билан олдиндан келишмовчилиги натижасида жанжаллашиб, жанжал вақтида [REDACTED] танасининг турли жойларига бир неча марта уриб, Вобкент туман суд тиббий экспертизасининг 2019 йил 26 мартдаги 14-Т-сонли тиббий хулосасига кўра, соғлиғининг умумий тикланиши учун 21 кундан ортиқ аммо 4 ойдан кўп бўлмаган муддатга бузилишига олиб келган ўртача оғир шикаст етказиш жиноятни содир қилган.

[REDACTED] ва унинг адвокати томонидан келтирилган апелляция шикоятда, [REDACTED] айблилиги хусусида баҳс юритилмаган ҳолда, унга нисбатан тайинланган жазони енгиллаштириш сўралган.



Жабрланувчи Эргаш ва Жўрабек Расуловларнинг апелляция шикоятларида, тергов органи томонидан [REDACTED] [REDACTED] ҳаракатларида жиноят таркиби борлиги, шунингдек, судланувчилар [REDACTED] ҳаракатларида эса безорлик жиноятининг таркиби борлигини текшириш хусусидаги биринчи босқич судининг ажрими ижроси таъминланмагани ҳақида важлар келтирилиб, суд ҳукмини бекор қилиб, ЖПКнинг 416, 417-моддалари тартибида, жиноят ишини прокурорга юбориш сўралган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди раиси ўринбосари [REDACTED] маърузасини, прокурор [REDACTED] келтирилган шикоятни қаноатлантirmасдан, чиқарилган ҳукми ўз кучида қолдириш ҳақидаги, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] ҳамда уларнинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED]

[REDACTED] тинглаб, апелляция шикоятларидаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, апелляция шикоятларини қаноатлантirmасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Судланувчи [REDACTED] суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этишдаги айби, 2019 йил 15 мартдаги хабарнома, [REDACTED] аризалари, 2019 йил 26 мартдаги суд тиббиёт экспертизасининг 14 ва 15-Т-сонли хулосалари, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топган бўлиб, қайд этилган далилларга суд ҳукмида атрофлича баҳо берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” 9-сонли қарорининг 13-бандида, судлар айбдор қасдининг моҳияти ва у нимага қаратилганлигидан, содир этилган ҳаракатнинг мотиви, мақсади ва муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда безориликни бошқа жиноятлардан фарқлай олишлари кераклиги, жумладан, оилада, уйда (хонадонда) қариндош-уруғ, таниш-билишларга нисбатан содир этилган ҳақоратлаш, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар, агар улар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиққан бўлса ёхуд жабрланувчининг ножоиз хатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса, шахсга қарши жиноят деб баҳоланиши ва Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозимлиги ҳақида судларга раҳбарий кўрсатма берилган.

Иш ҳужжатларига қараганда, судланувчи [REDACTED] [REDACTED] оиласини уларнинг жияни [REDACTED] далага сув олишдаги жабрланувчи [REDACTED] билан келишмовчиликлари сабабли икки оила ўртасида ўзаро жанжал келиб чиқади



ва жанжал дастлаб улар истиқомат қилиб келаётган маҳалла ҳудудида бошланиб, сўнгра марказий шифохонада давом этади.

Жанжал вақтида, судланувчи [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] ҳақоратлаб, унга соғлигини бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳати етказган. Шу ўринда судланувчи [REDACTED] соғлигини бузилишига сабаб бўлган ўртача оғир тан жароҳати етказган.

Шу боис, судлов ҳайъати, тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан судланувчи [REDACTED] ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддасининг 1-қисми ва ЖК 109-моддасининг 1-қисми билан, судланувчи [REDACTED] ҳаракати эса ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Юқорида қайд этилганлар, жабрланувчи [REDACTED] судланувчиларнинг нотўғри квалификация қилингани ва уларнинг ҳаракатларида безорилик жинояти аломатлари борлиги ҳақида шикоятларида келтирган важларини рад этади.

Биринчи босқич судининг 2019 йил 3 июлдаги ажримига кўра, ЖПКнинг 417-моддасига асосан, тергов органининг 2019 йил 22 майдаги жиноят ишининг бир қисмини ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги қарори бекор қилиниб, [REDACTED] ҳаракатларида жиноят таркиби мавжудлиги ёки йўқлигини текшириш учун Вобкент туман прокурорига юборилган.

Жиноят ишида, [REDACTED] ҳаракатларида жиноят таркиби мавжудлиги хусусидаги далиллар аниқланмаганлиги сабабли яна Вобкент туман ИИБ ҳузуридаги ТБ катта терговчиси майор [REDACTED] 2019 йил 25 июлдаги жиноят ишини кўзгатишдан рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати, жабрланувчилар [REDACTED] тергов органи томонидан жиноят иши бўйича бошқа шахсларнинг жавобгарлиги текширилмагани ва ЖПКнинг 417-моддаси талабига кўра, жиноятга алоқадор бошқа шахсларни аниқлаш мақсадида жиноят ишини прокурорга юбориш ҳақида шикоятларида келтирган важларини асосиз деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тури ҳамда миқдорини тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, оилавий шароитини, қилмишидан пушаймонда эканлигини ЖКнинг 55-моддасига кўра, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг ҳаракатида ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, унга нисбатан у айбланаётган моддалар санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазо тайинлаш хусусида асосли хулосага келган.

Шунингдек, биринчи босқич суди, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тури ҳамда миқдорини тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, оилавий



шароитини, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонда эканлигини ЖКнинг 55-моддасига кўра, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг ҳаракатида ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, уни озодликдан маҳрум этмасдан туриб, жамиятдан ажратмаган ҳолда озодлигини чеклаш йўли билан қайта тарбиялаш ва жазодан кўзланган мақсадга эришиш мумкин деган қатъий хулосага келиб, унга нисбатан у айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлаш хусусида адолатли қарор қабул қилган.

Баён қилинганларга асосан, судлов ҳайъати биринчи босқич суди ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун ишда асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 497<sup>11</sup>, 497<sup>13</sup>, 497<sup>18</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2019 йил 7 августдаги [REDACTED]

[REDACTED] а оид ҳукми ўзгаришсиз, келтирилган апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:	имзо	А.Шайдоев
Ҳайъат аъзолари:	имзо	Ф.Турсунов
	имзо	З.Қурбонов

Нусхаси аслига тўғри

Раислик қилувчи : А.Шайдоев

